Тошкент оқшоми

2016 йил 3 сентябрь, шанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 185 (13.248)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Азиз ватандошлар,

Юрагимизда чуқур қайғу билан барчамиз учун қадрли бўлган Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов вафот этганини маълум қиламиз. Ислом Абдуғаниевич 2016 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрида бош мияда қайта тикланмайдиган ўзгаришларга ва полиорган етишмовчилигига олиб келган мия қон айланишининг ўткир бузилиши (инсульт) оқибатида вафот этди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳақиқатан буюк тарихий шахс эди. Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасорати билан республикамиз мустақилликка эришди ва ўз тараққиёт йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Ёш давлатимиз учун ғоят мураккаб ва масъулиятли даврда вазият бекарорлашувининг олди олингани ва халқимизнинг уруш даҳшатларини кўрмасдан эсон-омон ўтиши бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ.

Халқимизнинг чексиз муҳаббатини қозонган, мустақил мамлакатимизнинг Биринчи Йўлбошчиси Ислом Абдуғаниевич Каримов қалбларимизда абадий қолади ва келажак авлодлар хотирасида тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳнамоси, буюк давлат арбоби сифатида мангу яшайди.

Барчамиз учун қадрли бўлган Президентимизнинг васиятига кўра, Ислом Каримов шу йил 3 сентябрда ота-онаси мангу қўним топган она шаҳри Самарқандда мусулмон урф-одатларига биноан дафн этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти билан видолашув маросими 2016 йил 3 сентябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Биз барчамиз учун ўта оғир жудолик муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ ДАФН МАРОСИМИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов вафот этгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг дафн маросимини ўтказиш бўйича қуйидаги таркибда Давлат комиссияси ташкил этилсин:

Мирзиёев Ш.М. – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, комиссия раиси;

Йўлдошев Н.Т. – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, комиссия раисининг ўринбосари;

Исмоилов Н.М. – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, комиссия раисининг ўринбосари;

Иноятов Р.Р. – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг раиси;

Азимов Р.С. – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Молия вазири;

Ҳайдаров З.Ҳ. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқарувчиси;

Назармуҳамедов Д.А. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси;

Султонов Х.М. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси;

Маҳмудов В.В. – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби;

Ерниязов М.Т. – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси;

Ахмедбаев А.А. – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири;

Бердиев Қ.Р. – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири;

Комилов А.Ҳ. – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири;

Қурбонов Р.Д. – "Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази" акциядорлик жамияти директори, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Мирбобоев Б.Ш. – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси;

Раматов О.Ж. – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Санақулов Қ.С. – Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Мирзаев З.Т. – Самарқанд вилояти ҳокими;

Ғаниев Б. – "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси;

Усмонов Ш.Ғ. – Республика "Нуроний" жамғармаси раиси;

Усмонов Р.Д. – Тошкент шаҳар ҳокими;

Шарапова М.А. – Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.

2. Давлат комиссияси:

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг хоҳиш-иродасига мувофиқ дафн маросимини Самарқанд шаҳрида 2016 йил 3 сентябрда ташкил этсин;

2016 йил 3 сентябрдан Ўзбекистон Республикасида уч кунлик мотам эълон қилинсин ва республиканинг барча ҳудудларида мотам тадбирлари ўтказсин;

халқимизнинг, корхоналар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва кенг жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олиб, бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 сентябрь

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг касаллиги ва вафоти сабаблари тўғрисида ТИББИЙ ХУЛОСА

Бемор И.А.Каримов, 78 ёшда, 27 август куни эрталаб соат 09.00 да ҳушсиз ҳолатда зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг Марказий клиник шифохонасига олиб келинди.

Ўтказилган текширувлар, жумладан, бош мия компьютер томографияси беморда бош мия қон айланиши ўткир бузилиши субарахноидал қон қуйилиш асорати билан (инсульт) аниқланди. Артериал қон босими 250/120 мм. симоб устунига тенг. Беморда юрак фаолиятининг тўхташи кузатилди. 20 дақиқа давомида олиб борилган реанимацион муолажалар натижасида юрак фаолиятини тиклашга эришилди. Бемор мия ўзаги фаолияти бузилиши оқибатида атоник кома ҳолатига тушди ва сунъий нафас олиш аппаратига ўтказилди.

27 августдан 28 августга ўтар кечаси бемор етакчи хорижий клиникаларининг нейрохирурглари, кардиолог ва реаниматологлари – А.Н.Бакулев номидаги Юрак-томир хирургияси илмий маркази директори, академик Л.Бокерия, Н.Н.Бурденко номидаги нейрохирургия илмий маркази директори, академик А.А.Потапов (Россия), Ганновер халқаро нейрохирургия институтининг вице-президенти ва ижрочи директори, профессор Амир Сами (Германия), Кардиоторакал марказ директори, профессор Жилли Дрейфус (Монако), Хейдельберг университети клиникасининг кардиология бўлими раҳбари, профессор Хьюго Катус (Германия), Хельсинки университети Марказий госпиталининг нейрохирургия бўлими профессори Юка Хернисниеми (Финляндия) томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ўзбекистон мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилган консилиум натижасида кейинги даволаш режаси белгилаб олинди.

Беморнинг неврологик ҳолати аввал бошдан атоник кома сифатида қайд этилди. Неврологик статусда диффуз мушак атонияси, арефлексия кузатилди. Беморга уч маротаба динамик электроэнцефалографик текширув ўтказилиб, унда бош миянинг биоэлектрик фаоллигининг сусайиши аниқланди.

Ўтказилган интенсив терапия жараёнида беморнинг ички аъзолари (қон томир, нафас олиш, қон ивиш тизимлари, буйрак ва жигар) фаолиятининг аста-секин бузилиши – полиорган етишмовчилиги кузатилди.

Юқорида қайд этилган тўлиқ ҳажмдаги диагностика-даволаш муолажалари ва интенсив терапия чоратадбирлари ўтказилганига қарамасдан 2016 йил 2 сентябрь куни соат 20.15 да юрак фаолияти тўхтади.

Амалга оширилган интенсив реанимация тадбирлари натижа бермади ва беморда соат 20.55 да биологик ўлим ҳолати қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш вазири **А.Алимов**

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Ш.Каримов**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор **В.Аваков**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Б.Ғафуров**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Ғ.Қориев**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Р.Қурбонов**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор **К.Маҳкамов**
Тиббиёт фанлари доктори, шахсий шифокор **П.Черниш**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ



Ватанимиз, бутун ўзбек халқи ўта оғир жудоликка учради. Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов шу йил 2 сентябрь куни оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўрта Осиё политехника институти ва Тошкент халқ хўжалиги институтини муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликлари бўйича тугатди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлади. 1961 йилдан 1966 йилгача Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1983 йилда Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

У 1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби лавозимида ишлаб, ўзининг катта раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти, фидойилиги ва қатъияти, эл-юрт дардини, одамларнинг ташвиш ва муаммолари, уларнинг талаб ва манфаатларини юракдан ҳис қилиши билан ғоят оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволга тушиб қолган вилоятдаги вазиятни қисқа вақт ичида тубдан ўзгартиришга эришди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1989 йилнинг июнидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ўша пайтда республикамиз фуқаролар уруши, қон тўкиш, миллатлар ва конфессиялараро можаролар ёқасида турган эди. Воқеаларнинг худди шундай ривожи кўшни мамлакатларда амалга оширилган эди. Ана шундай ўта оғир даврда у ўзининг воқеаларни олдиндан кўра билиш қобилияти, кучли иродаси ва қатъияти билан халқимиз ва мамлакатимизни шундай ачинарли қисматдан сақлаб қолди.

Айнан ўша даврда халқимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов тимсолида мард, букилмас ирода эгаси ва содир бўлаётган фавқулодда мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини давлат манфаатлари нуқтаи назаридан кўра оладиган, ўз Ватани ва халқи, ҳар бир юртдошининг тақдири учун алоҳида масъулиятни ҳис эта оладиган ҳақиқий раҳбарга эга бўлди.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди. 1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти этиб сайланди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 25 йил давомида мустақил Ўзбекистонни бошқариб, очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида мамлакатимизда ва халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди.

Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш Президент Ислом Каримов учун ҳамиша энг олий устувор вазифа бўлиб келди ва у олиб борган сиёсатнинг асосий ўзак тамойили бўлиб қолди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқлар ва натижаларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ деб билади.

У ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи бўлиб, уни ҳаётга амалий жиҳатдан татбиқ этишнинг ҳақиқий кафолатига айланди.

1991 йилда Ўзбекистон пахта яккаҳокимлигининг ҳалокатли таъсири оқибатида иқтисодиёти бирёқлама, мўрт ва ночор ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ аграр мамлакат эди. Республика ҳаётий муҳим товарларнинг кўпгина турларини, биринчи навбатда ғалла ва энергия ресурслари бўйича маҳсулотларни ўзида ишлаб чиқармас ва бу борадаги ўз эҳтиёжларини таъминлай олмас эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаш мумкин эмас, деган фикрнинг қатъий тарафдори эди. Айнан шунинг учун ҳам Юртбошимиз томонидан машҳур беш тамойил асосида бутун дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб эътироф этилган Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан ислоҳ этиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди. Бу моделнинг туб негизини "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган стратегик йўналишни амалга ошириш ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистонда кенг кўламли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди, нефть кимёси, кимё, автомобиль саноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари саноати каби юқори технологияларга асосланган мутлақо янги саноат тармоқларига асос солинди.

Устюрт ва Шўртан газ-кимё мажмуалари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар корхонаси, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобиль заводлари сингари дунё микёсидаги ноёб саноат объектлари барпо этилди.

Республикамизда замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари, жумладан, Қамчиқ тоғ довони орқали ўтадиган ноёб туннелни ўз ичига олган Ангрен – Поп темир йўл тармоғи, Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли бунёд этилди. Тошкентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарлари йўналишлари бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатнови йўлга қўйилди, халқаро аэропортлар модернизация қилинди, "Навоий" аэропорти негизида халқаро логистика маркази ташкил этилди ва Ўзбек миллий автомагистрали қурилиши якунига етказилди.

Ўзбекистоннинг дунёда энг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган иқтисодиётга эга бўлган бешта давлат қаторидан жой олгани Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан олиб борилган ислоҳотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов қишлоқ хўжалигидаги чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, ернинг ҳақиқий эгаси бўлган янги мулкдорлар синфи – фермерлик ҳаракатини шакллантиришнинг ташкилотчиси эди. Унинг ташаббуси билан жаҳон амалиётида ўхшаши бўлмаган, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган, қишлоқ аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини шаҳардагидан кам бўлмаслигини таъминлайдиган намунавий уй-жойлар қуриш дастури амалга оширилмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони сифатида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий Қуролли Кучларни тубдан ислоҳ этиш, уларнинг жанговар салоҳияти ва қудратини оширишни таъминлади.

У туб негизида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва вужудга келаётган қарама-қаршилик ва можароларни фақатгина тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган тинчликпарвар сиёсат мужассам бўлган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсат концепциясини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Давлатимиз раҳбари минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга улкан ҳисса қўшди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси асосида, эски қолип ва мезонлардан бутунлай воз кечган ҳолда, кенг миқёсдаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим-тарбия тизимини энг замонавий халқаро стандартлар бўйича тубдан ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартирган, навқирон авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг янги принципиал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш ишларига бевосита раҳбарлик қилди.

Мамлакатимиз раҳбари миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшди.

У фуқаролик жамияти институтлари, аввало, маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, уларнинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳри, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини замонавий меъморлик талаблари асосида тубдан ўзгартириш борасидаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатгани учун Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, "Мустақиллик" ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси эди. Айни вақтда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбияни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофотланган эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз халқини чексиз меҳр-муҳаббат билан севар эди ва ўзининг сўнгги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, ўзбек халқининг буюк фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сўнмас хотираси барча миннатдор юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолади.

Ш.М.Мирзиёев, Н.Т.Йўлдошев, Н.М.Исмоилов, Р.Р.Иноятов, Р.С.Азимов, Д.А.Назармуҳамедов, Х.М.Султонов, Ш.И.Солиҳов, И.М.Мирзаалиев





Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб коммунал соҳани ислоҳ қилишга киришилди. Чунки, умумий мулк дея қаралган кооператив уйлар издан чиққан, эгалик ҳисси йўқ эди. Мустақилликнинг дастлабки йили мамлакатимизда "Уй-жой кодекси" ишлаб чиқилди. Демак, одамларнинг уй-жойга бўлган муносабатини тубдан қайта кўриб чиқишни даврнинг ўзи тақазо қилар эди. Умуммулк, дея эътироф этилган кооператив уйлар одамларга хусусийлаштириб берилди. Уй-жойга бўлган дахлдорлик, эгалик ҳисси шакллантирилди.

Ислоҳотлар оқимида

САМАРАЛИ ИШЛАР

Коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди, уй-жой мулкдорлари билан коммунал хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартномавий муносабатлар мустаҳкамланди.

Бугун пойтахтимизнинг қайси бир маҳалласига, ширкатига борманг, аҳоли фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ижобий ишларнинг гувоҳи бўласиз.

– Фикримизни бевосита Учтепа тумани мисолида давом эттирадиган бўлсак, айни пайтда туманда 650 та кўп қаватли уйлар мавжуд. Уларга бугун 18 та бошқарув компанияси, 184 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатмоқда.

–Ҳозирги фаолиятимиз ҳақида гапирганда, 2016 йил январидан шу кунгача куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида бир қатор ишларни амалга оширдик, – дейди Учтепа тумани ХУЖМШ Ассоциацияси раиси Баҳодир Нурмонов. – Шу кунгача 718 та йўлак таъмирланди, 44 минг кв. метр том жорий, 12 минг кв.метри эса мукаммал таъмирланди. 25 та болалар майдончаси қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, мавжуд 60 та болалар майдончаси қайта таъмирланди. Хавфсизлиги нуқтаи назаридан 5 та мавзега видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

"Боғобод" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Лилия ишонч" ХУЖМШ фаолияти билан танишамиз. Ширкат 1 та 16 кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Унинг раҳбари Гулнора Алимованинг айтишича, "Миллий банк" Учтепа филиалидан 25 млн. сўм кредит олиниб, айни пайтда иссиқлик қувурлари замонавийсига алмаштирилаяпти.

Шуни эътироф этиш жоизки, ширкатлар фаолиятини яхшилашда тумандаги 8 та тижорат банклари томонидан молиявий ёрдам кўрсатилаётгани ўзининг ижобий натижасини бераётир. Биргина, "Ипотека банк" Тошкент вилояти Амалиёт бошқармаси томонидан 2016 йил 8 ойи давомида 1 млрд. 757 млн. сўмдан ортиқ кредит берилди. Хусусан, "Шодлик таъмирлаш биринчи" ХУЖМШ "Ипотека" банк амалиёт бошқармасидан том ва ертўлани таъмирлашга 176 млн. сўм маблағ олди. "Вета сервис" ширкати 220 млн. сўм олиб, кириш йўлакларини таъмирлади.

Ана шу кредитлардан унумли фойдаланиб, ўз ишини яхши ташкил этаётган ширкатлар талайгина. Масалан, "Афросиёб-сервис", "Лутфий мадад-коммунал", "Ватанпарвар иноқ коммуналчи" каби ХУЖМШ лар фаолияти таҳсинга лойиқ.

– Айни пайтда тумандаги кўп қаватли уйлар яна бир бор хатлов асосида ўрганиб чиқилиб, қўшимча дастур тайёрланмоқда, – дея гапини давом эттиради Учтепа тумани ХУЖМШ Ассоциацияси раиси Б. Нурмонов. – Унга кўра, камчиликлари бор уйлар, қилиниши лозим бўлган ишлар аниқланиб, қўшимча 2 миллиард 300 млн. сўм маблағ шакллантирилди. Кўп қаватли уйларнинг том қисми, кириш йўлаги ва бошқа зарур жойлар таъмирланади.

Хулоса сифатида айтганда, Учтепа туманида коммунал соҳада амалга оширилаётган ишлар туфайли ҳар бир кўп қаватли уй, унинг атрофи обод бўлмоқда. Озода, таъмирланган йўлакларни кўриб ҳавасингиз келади. Шубҳасиз, бу қилинаётган ишлардан аҳоли мамнун бўлмоқда.

К.ЗОКИРОВ

Танловлар

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни қуришда ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалла институтининг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Ушбу ноёб тузилманинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида унинг нуфузи ва аҳамияти ошиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Айни вақтда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 505 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, миллий қадриятларни асраш ва ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш сингари эзгу ишларга бош-қош бўлиб келишмоқда.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ободонлаштириш ишларида фаол қатнашиб келаётган маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги ижтимоий муҳитга муносиб баҳо бериш, истиқлол йилларида намунали ишлари билан ўрнак бўлиб келаётган фуқаролар йиғинларини муносиб тақдирлаш мақсадида "Энг обод маҳалла", "Энг кўркам ва обод кўча", "Энг намунали обод ва сариштали оила" кўрик-танлови ташкил этилди. Мазкур танловларнинг туман босқичлари 100 та маҳаллаларда намунали тарзда ўтказилиб, 10 минг нафардан ортиқ маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Танлов натижаларига кўра Бектемир тумани "Миришкор" маҳалласи, Мирзо Улуғбек тумани Нодирабегим, Олмазор тумани "Аҳил" маҳалласи, Сергели тумани "Зийнат", Учтепа тумани "Бешқайрағоч", Шайхонтоҳур тумани "Зафаробод", Чилонзор тумани "Бешқўрғон", Юнусобод тумани "Бободеҳқон", Яккасарой тумани Ю.Ражабий, Яшнобод тумани "Янгинур" маҳаллалари туман босқичларида ғолиб бўлиб, Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Қизғин тарзда кечган шаҳар босқичида Олмазор туманидаги "Аҳил" маҳалла фуқаролар йиғини ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Зиёда РАСУЛОВА

Пойтахтимизда "Адвокатлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

"Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши раисининг ўринбосари А.Раҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси Р.Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилганини таъкидлади.

Адвокатура институтининг роли оширилгани ана шу мақсадга хизмат қилаётир. "Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани, соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилгани мазкур институтни ислоҳ қилишда муҳим ўрин тутди. Бу айблов ва ҳимоянинг тенглиги ва одил судловни амалга оширишда томонлар тортишуви принципини таъминлашга замин яратди.

2009 йил 1 январдан кучга кирган "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритиш учун масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувлар сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли.

2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони адвокатураги юқори малакали кадрлар билан тўлдиришга йўл очди. Адвокатларнинг мустақиллиги кафолатлари кучайиб, бу касбнинг нуфузи янада ошди.

Адвокатлар палатаси тизимида ҳозирги кунда 1,4 мингдан ортиқ адвокатлик тузилмаси мавжуд бўлиб, уларда 3,7 мингдан зиёд адвокат фаолият юритмоқда. Уларнинг мавқеини юксалтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда.

Давра суҳбатида адвокатура институтининг фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш самарадорлигини янада оширишга эътибор қаратилди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашда адвокатура соҳасида учраётган айрим муаммоларни бартараф этиш йўллари муҳокама этилди.

Соҳага оид қонунларда учраётган айрим бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, адвокатура институти фаолиятига доир қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш зарурлиги қайд этилди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, қонунлар моҳиятини фуқароларга, мансабдор шахслар онгига сингдириб боришда бевосита адвокатура тизимининг иштирокини янада кучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бувайда туманидаги "Nurafshon Ziyo tex" хусусий корхонаси тўқимачилик ашёларини тайёрлашга ихтисослаштирилган бўлиб, яқинда унинг маҳсулотлари тури қирқдан ошди. Бунга хориждан 12 амалиётни бажариш қувватига эга 19 та тикув дастгоҳи келтирилиши туфайли эришилди.

● Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари, Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ масъул офицерлари, билим юрти шахсий таркиби ва ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Андижон шаҳрида Ёшлар спорт мажмуасининг очилиши туфайли ўғил-қизлар спортнинг 11 тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Мажмуанинг қурилиш-тиклаш ишларига 1,5 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилди.

● Намангандаги "Ибрат мегастройсервис" масъулияти чекланган жамиятида ойнага ишлов бериш йўли билан импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу ерда ўрнатилган хорижий технологиялар ёрдамида йилига 3 минг квадрат метр ҳажмда маҳсулот тайёрлаш мумкин. Янги меҳнат жамоасида 25 киши иш билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

● Япония ўт ўчириш бош бошқармаси маълумотларига кўра, август ойининг охирги ҳафтасида бутун Кунчиқар мамлакат бўйлаб 3 мингга яқин одам жазирама туфайли шифохонага жойлаштирилди. Қуёш уриши оқибатида жами 2821 киши шифохонага ётқизилгани, икки киши вафот этгани таъкидланмоқда.

● АҚШнинг Флорида штатидаги Канаверал кўрфазидаги космодромда парвоздан олдин двигателни текшириш чоғида "Спейс икс" компаниясига тегишли "Фэлкон-9" русумли ракета портлаб кетди. Ҳозирда портлаш сабабларини аниқлаш ишлари бошлаб юборилди.

● "Лайонрок" тўфонидан Приморьеда зарар кўриб, сув босган хонадонлар сони 2,5 мингтадан ошиб кетди. Ҳозирда 14 мингта одам тўфон оқибатларини бартараф этиш ишларига жалб қилинган. Ушбу тўфоннинг Хитойга хуруж қилиши натижасида эса 40 мингдан кўпроқ киши хавфсиз жойларга кўчирилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида навбатдаги тиббий-ижтимоий акция бўлиб ўтди.

ҲАР БИР ИНСОН МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА



Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар аҳоли саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллатимиз генофондини мустаҳкамлашда юксак самаралар бераётир. Президентимизнинг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида аҳолига кўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдами тобора ривожланмоқда.

Ушбу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" акциясининг ўрни ҳам ортиб бораётир. Ўтган йилларда ташкил этилган ушбу соғломлаштириш ҳафталиклари доирасида 26 миллиондан кўпроқ аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Навбатдаги тиббий-ижтимоий акцияни ҳам ҳудудларда юқори савияда ташкил этишга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Яқинда бўлиб ўтган патронаж ойлиги доирасида тор мутахассислар кўригига эҳтиёжи бўлган беморларнинг рўйхати шакллантирилди. Ушбу беморларни ва барча аҳолини тўлақонли тиббий текширувдан ўтказиш мақсадида пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олим ва фан докторлари, таниқли шифокорлар мазкур тадбирга жалб этилди.

Миробод туманидаги 3-оилавий поликлиникада 160 дан кўпроқ бемор тиббий кўрикдан ўтказилди.

– Айтиш керакки, юрак-қон томир тизимида кечаётган жараёнларга ташхис қўйиш учун замонавий шароитлар ва янги диагностика воситалари керак, – дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош кардиологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Рифат Мамутов. – Шуниси эътиборлики, бугунги кунда бирламчи тиббиёт муассасаларимизда бундай текширувларни амалга ошириш учун барча шароит яратилган. Ҳатто қишлоқ врачлик пунктларида ҳам замонавий технологиялар, лаборатория таҳлил воситалари мавжуд. Бунинг натижасида қишлоқ аҳолиси ўзи яшаётган ҳудуддаги ҚВПларда замонавий тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлаётир.

Акцияда алоҳида тиббий кўмакка муҳтож аҳоли қатламини тўлиқ қамраб олишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тиббиёт муассасаларига чиқиш имконияти бўлмаган фахрийлар, беморларнинг уйларига бориб тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда. Миробод туманидаги "Истиқлол" маҳалласида яшовчи Раҳима ая Қаҳҳорова хонадонида ана шундай кўрик ташкил этилди.

– Юқори малакали мутахассислар хонадонимизга келиб, аҳволимдан хабар олганидан ниҳоятда қувондим, – дейди Раҳима ая. – Улар соғлиғимни яхшилаш бўйича оила шифокоримизга ва патронаж ҳамширага тавсиялар берди, зарур муолажаларни тайинлади. Бундай ғамхўрликдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Шундай эзгу ишларнинг ташаббускори бўлган Президентимиздан миннатдормиз.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра, ушбу соғломлаштириш ҳафталиги мобайнида аниқланган юқори технологияли текшириш ва даволанишга муҳтож беморлар учун август ойининг учинчи ўн кунлигида яна бир муҳим лойиҳа амалга оширилади. Яъни пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари, етакчи клиникалар ва уларнинг ҳудудий филиалларида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилади. Шу куни махсус йўлланма билан ушбу тиббиёт муассасаларига келган беморлар бепул тиббий текширувдан ўтказилиб, даволанади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Билиб қўйган яхши

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Иссиқ ёз кунлари ҳам ортда қолди. Куз фасли эшикларни қоқиб кириб келди. Аммо бизнинг қуёшли ўлкамиз Ўзбекистонда ҳамюртларимиз сентябрь ойида ҳам ёз тафтини ҳис этадилар.

Биз иссиқ ёз кунлари пишиб етилган турли мевалардан тўйиб-тўйиб истеъмол қилиб олдик. Ҳатто қиш кунларига бизнинг бекаларимиз бу мевалардан ғамлаб қўйишга улгуришди ҳам. Ҳаммамизга маълумки, куз кириб келиши билан ўлкамизда анор ва хурмо пишиб етилади. Демак, бу меваларни истеъмол қилишнинг айни вақти. Шу сабабли биз, бугун анор мевасининг шифобахш хусусиятлари ҳақида ва нега уни истеъмол қилишнинг фойдали эканлиги борасида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Анор барча меваларнинг қироли ҳисобланади. Унинг тўқ қизил ранги кўзни қамаштиради. Анор нафақат мазали, балки витаминларга бой, узоқ йиллар мобайнида табобатда ҳам қўлланиб келинадиган мевалардан биридир. Анорнинг фойдалилиги тан олинган бўлиб, унда организмнинг яхши фаолият кўрсатиши учун барча керакли витаминлар мавжуд.

Агар сиз гўштли таомларни истеъмол қилмасангиз ва вегетариан бўлсангиз, албатта шу мева сизнинг дастурхонингизда доимий равишда бўлиши керак. Чунки унда гўшт маҳсулотида мавжуд 15 аминокислоталар бор. Унда яна асосий бўлган С, Р, B^6 ва B^{12} каби тўртта витаминлар мавжуд. Анор яна йод, калий, кальций, темир ва кремний каби минералларга бой. Анорнинг устки қисми қуриган, ичи эса яхши пишган ва сувли бўлиши керак. Чунки сиз анорни пўсти силлиқроқ вақтида узиб олган бўлсангиз у тақдирда анор ҳали яхши етилиб пишмаган бўлади. Шунинг учун анорнинг пўсти қуриганроқ бўлиши керак. Анорнинг пўсти бизга унинг пишган ёки пишмаганлиги ҳақида билиш имконини яратади.

Анор шарбати жуда ҳам фойдали бўлиб, уни камқонлик касаллигида, атеросклерозда, бронхиал астмада, ангинада, диабет касалликларида истеъмол қилиш тавсия этилади. Анорнинг пўсти, дони ҳам фойдалидир. Уларнинг ҳар биридан турли йўналишларда фойдаланилади. Анорнинг пўстини чойга қўшиб ичилса, у уйқусизлик дардига учраганларга ва асаб тизими толиққан ва стресс ҳолатда юрган инсонларга фойдалидир.

